


**Ўзбекистонда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
*2026 йил январь-июнь ойлари учун (дастлабки маълумотлар)*

- I. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг йиллар бўйича ўзгариши динамикаси.
- II. Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.
- III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.
- IV. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича динамикаси.
- V. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар.

**I. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг  
йиллар бўйича ўзгариши динамикаси**

Ўзбекистонда 2026 йил январь-июнь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **7 091,1** минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **18,4 %** га ўсган.

**Йиллар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи, январь-июнь, минг сўмда**



**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(чораклик\)](#)

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(йиллик\)](#)

[Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи \(чораклик\)](#)

[Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи \(йиллик\)](#)

## II. Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори

Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотлар 2026 йилнинг январь-июнь ойлари учун келтирилган бўлиб, 2025 йилнинг мос даври билан таққосланган.

|                                | Номинал иш ҳақи,<br>минг сўмда | Ўсиш суръати, %да<br>(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан) |
|--------------------------------|--------------------------------|-----------------------------------------------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>7 091,1</b>                 | <b>118,4</b>                                              |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 5 556,6                        | 116,2                                                     |
| Андижон вилояти                | 5 683,6                        | 115,1                                                     |
| Бухоро вилояти                 | 5 618,2                        | 116,9                                                     |
| Жиззах вилояти                 | 5 399,4                        | 120,4                                                     |
| Қашқадарё вилояти              | 4 864,7                        | 117,2                                                     |
| Навоий вилояти                 | 8 722,7                        | 116,4                                                     |
| Наманган вилояти               | 5 190,7                        | 119,4                                                     |
| Самарқанд вилояти              | 5 192,7                        | 117,0                                                     |
| Сурхондарё вилояти             | 4 937,3                        | 115,8                                                     |
| Сирдарё вилояти                | 5 604,9                        | 116,8                                                     |
| Тошкент вилояти                | 6 675,7                        | 117,8                                                     |
| Фарғона вилояти                | 5 163,5                        | 116,0                                                     |
| Хоразм вилояти                 | 5 499,8                        | 116,3                                                     |
| Тошкент шаҳри                  | 12 013,9                       | 118,2                                                     |

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(чораклик\)](#)

Ҳудудлар кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Тошкент шаҳрида **12 013,9** минг сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **18,2 %** га ўсганлиги кузатилди.

Шунингдек, бу кўрсаткич Жиззах вилоятида **5 399,4** минг сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **120,4 %**), Наманган вилоятида **5 190,7** минг сўмни (**119,4 %**), Тошкент вилоятида **6 675,7** минг сўмни (**117,8 %**), Қашқадарё вилоятида **4 864,7** минг сўмни (**117,2 %**), Самарқанд вилоятида **5 192,7** минг сўмни (**117,0 %**) ва Бухоро вилоятида **5 618,2** минг сўмни (**116,9 %**) ташкил этган.

Шу билан бирга, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Сирдарё вилоятида **5 604,9** минг сўм (**116,8 %**), Навоий вилоятида **8 722,7** минг сўм (**116,4 %**), Хоразм вилоятида **5 499,8** минг сўм (**116,3 %**), Қорақалпоғистон Республикасида **5 556,6** минг сўм (**116,2 %**), Фарғона вилоятида **5 163,5** минг сўм (**116,0 %**), Сурхондарё вилоятида **4 937,3** минг сўм (**115,8 %**) ҳамда Андижон вилоятида **5 683,6** минг сўм (**115,1 %**) миқдорида қайд этилиб, бошқа ҳудудларга нисбатан ўсиш суръати пастроқ эканлиги кузатилди.

### III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи миқдори 2025 йилнинг мос даврига нисбатан таққосланган. Бу таққослаш орқали соҳалар кесимида фарқлар ва ўзгаришлар таҳлил қилинди.

| Иқтисодий фаолият тури номи                              | Номинал иш ҳақи,<br>минг сўмда | Ўсиш суръати, % да<br>(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан) |
|----------------------------------------------------------|--------------------------------|------------------------------------------------------------|
| <b>Ўртача</b>                                            | <b>7 091,1</b>                 | <b>118,4</b>                                               |
| Саноат                                                   | 8 267,0                        | 115,4                                                      |
| Қурилиш                                                  | 7 027,9                        | 119,9                                                      |
| Савдо                                                    | 7 650,5                        | 113,1                                                      |
| Ташиш ва сақлаш                                          | 11 070,0                       | 122,8                                                      |
| Яшаш ва овқатланиш                                       | 5 189,6                        | 111,2                                                      |
| Ахборот ва алоқа                                         | 17 417,4                       | 115,3                                                      |
| Банк, суғурта, лизинг, кредит<br>ва воситачилик фаолияти | 19 100,2                       | 117,5                                                      |
| Таълим                                                   | 4 977,1                        | 120,3                                                      |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий<br>хизматлар кўрсатиш        | 4 440,3                        | 120,1                                                      |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш                          | 5 858,1                        | 116,2                                                      |

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(чораклик\)](#)

Ўртача ойлик номинал иш ҳақи иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори ўсиш суръатлари ташиш ва сақлаш соҳасида қайд этилди. Хусусан, мазкур соҳада 2025йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **122,8 %**ни ташкил этиб, иш ҳақи миқдори **11 070,0** минг сўмга етган.

Шунингдек, таълим соҳасида ҳам сезиларли ўсиш қайд этилиб, иш ҳақи миқдори **4 977,1** минг сўмни ташкил этди (ўсиш – **20,3 %**). Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўналишида ўртача иш ҳақи **4 440,3** минг сўмни ташкил этиб, **20,1 %**га ўсди. Қурилиш соҳасида эса ўртача ойлик иш ҳақи **7 027,9** минг сўмни ташкил этиб, 2025йилнинг январь-июнига нисбатан **19,9 %**га ошгани қайд этилди.


Шу билан бирга, банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти йўналишида ўртача ойлик иш ҳақи **19 100,2** минг сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **17,5 %**га ошди), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш йўналишида **5 858,1** минг сўм (**16,2 %**га), саноат соҳасида ўртача иш ҳақи **8 267,0** минг сўм (**15,4 %**га), ахборот ва алоқа соҳасида **17 417,4** минг сўм (**15,3 %** га), савдо соҳасида **7 650,5** минг сўм (**13,1 %**га), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида эса ўртача ойлик иш ҳақи **5 189,6** минг сўмни ташкил этиб, **11,2 %**га ўсди.

#### IV. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича динамикаси.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг сўнгги беш йилдаги ўзгариши таҳлил этилганида, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида иш ҳақи миқдори **19 100,2** минг сўмни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **9 831,5** минг сўмга ошганлиги кузатилди.


Шунингдек, сўнгги беш йилда ахборот ва алоқа соҳаси бўйича иш ҳақи миқдори **10 533,4** минг сўмга, ташиш ва сақлаш соҳасида **6 439,6** минг сўмга, саноат соҳасида **3 717,4** минг сўмга, савдо соҳасида **4 078,3** минг сўмга, қурилиш соҳасида **2 755,7** минг сўмга, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш йўналишида **2 936,4** минг сўмга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида **2 389,2** минг сўмга, таълим соҳасида **2 388,1** минг сўмга ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида **2 066,5** минг сўмга ошган.

#### Ўртача ойлик иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзгариш динамикаси, январь-июнь, минг сўмда




**Саноат соҳасида** ўртача ойлик иш ҳақи **8 267,0** минг сўмни ташкил этган. Саноатнинг таркиби бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдори – тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда **11 709,5** минг сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **10 191,3** минг сўм, ишлаб чиқариш саноатида **7 867,3** минг сўм, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда **5 313,4** минг сўм қайд этилган.

**Саноат соҳасида иш ҳақи миқдорининг ўзгариш динамикаси, январь-июнь, минг сўмда**




**Савдо соҳасида** ўртача ойлик иш ҳақи **7 650,5** минг сўмни ташкил этган. Савдонинг таркиби бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдори – автомобиль ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш тармоғида **10 754,3** минг сўм, автомобиль ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдода **8 172,8** минг сўм, автомобиль ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдода **6 922,3** минг сўм қайд этилган.

**Савдо соҳасида иш ҳақи миқдорининг ўзгариш динамикаси, январь-июнь, минг сўмда**




**Ташиш ва сақлаш соҳасида** ўртача ойлик иш ҳақи **11 070,0** минг сўмни ташкил этган. Унинг айрим йўналишлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдори – омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспортда **12 314,4** минг сўм, қуруқликдаги ва қувур транспорти соҳасида **9 521,2** минг сўм, почта ва курьерлик фаолияти соҳасида **4 587,1** минг сўм экани қайд этилган.

**Ташиш ва сақлаш соҳасида иш ҳақи ўзгариши динамикаси, январь-июнь, минг сўмда**




**Ахборот ва алоқа соҳасида** ўртача ойлик иш ҳақи **17 417,4** минг сўмни ташкил этган. Соҳанинг айрим йўналишлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи – компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар соҳасида **22 234,7** минг сўм, ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида **21 410,3** минг сўм, алоқа соҳасида **12 970,4** минг сўм қайд этилган.

**Ахборот ва алоқа соҳасида иш ҳақи ўзгариши динамикаси, январь-июнь, минг сўмда**




**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида** ўртача ойлик иш ҳақи **19 100,2** минг сўмни ташкил этган. Унинг таркиби бўйича ўртача ойлик иш ҳақи – мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари қайта суғурталашда **26 013,9** минг сўм, молиявий хизматлар кўрсатиш ва суғурталаш бўйича ёрдамчи фаолиятда **24 895,9** минг сўм, суғурталаш ва нафақа таъминотидан ташқари молиявий хизматларда **18 431,6** минг сўм қайд этилган.

**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи,**  
*январь-июнь, минг сўмда*



**Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи,**  
*январь-июнь, минг сўмда*

**Таълим соҳасида** ўртача ойлик иш ҳақи **4 977,1** минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг таркиби бўйича ўртача ойлик иш ҳақи олий таълим соҳасида **12 047,1** минг сўмни, техник ва профессионал таълим соҳасида **5 372,2** минг сўмни, умумий ўрта таълим соҳасида **4 669,4** минг сўмни, мактабгача таълим соҳасида эса **2 720,9** минг сўмни ташкил этган.



**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(чораклик\)](#)



## V. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар.

Ўзбекистон бўйича ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар корхона ва ташкилотлар томонидан электрон шаклда, онлайн тақдим этилган статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз шакллантирилган.

Республиканинг барча корхона ва ташкилотлари, жумладан, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар йилда бир маротаба шакллантирилиб, эълон қилинади.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармонида мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари статистика ҳисоботларини статистика идораларига йилда бир маротаба тақдим этиши белгиланган.

**Номинал ҳисобланган иш ҳақи** – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

**Ҳисобот оyi учун** номинал ҳисобланган иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади:

$$W_n = \frac{F}{L}$$

бу ерда:

$W_n$  – номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$F$  – ҳисобот оyi учун жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

$L$  – ҳисобот оyi учун ходимларнинг ўртача сони;

Номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш Миллий статистика қўмитасининг 2025 йил 30 майдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган “Иқтисодиётда иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича услубий низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ-2)нинг секция ва бўлимлари бўйича эълон қилинган маълумотлар муайян секция ва бўлим таркибига кирувчи барча иқтисодий фаолият турларига оид маълумот мавжудлигини англатмайди.

Метамаълумот учун ҳавола:

[Иқтисодиётда иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича услубий низом](https://lib.stat.uz/uz/features/demografiya-va-mehnat/1018-milliy-gender-statistikasi-ko-rsatkichlarini-shakllantirish-bo-yicha-uslubiy-nizom-2)

(<https://lib.stat.uz/uz/features/demografiya-va-mehnat/1018-milliy-gender-statistikasi-ko-rsatkichlarini-shakllantirish-bo-yicha-uslubiy-nizom-2>)

